



**O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI  
KRIMINOLOGIYA TADQIQOT INSTITUTI**

# **KRIMINOLOGIYA YANGILIKLARI**

***ILMIY MAQOLALAR VA TEZISLAR TO'PLAMI***



## MUNDARIJA

<b>Kirish soʻzi</b> .....	3
<b>Matchanov A.A.</b> Киберпреступность в эпоху цифровой трансформации: новые проблемы криминологии .....	5
<b>Hayitov H.Sh.</b> Odam savdosiga qarshi kurashning xalqaro-huquqiy va kriminologik asoslari .....	12
<b>Kaxarova M.M.</b> Ayollar jinoyatchiligi: ijtimoiy-psixologik deformatsiya va viktimologik omillari .....	19
<b>Qilichev X.M.</b> Fuqarolar yigʻinlari ishtirokidagi shartnomalarni oʻzgartirish va bekor qilishning fuqarolik-huquqiy asoslari hamda amaliy muammolari .....	27
<b>Hasanov Sh.Sh.</b> Kiberxavfsizlikning profilaktikasi toʻgʻrisida ayrim mulohazalar .....	38
<b>Irisbekov U.A.</b> Tovlamachilik sodir etganlarning kriminologik va undan jabrlanganlarning viktimologik tavsifi .....	51
<b>Mirzatillayev U.I.</b> Voyaga yetmaganlar jinoyatchiligining oldini olish va huquqbuzarliklar profilaktikasining huquqiy asoslari .....	60
<b>Nazarova L.G.</b> Ayollar jinoyatchiligini oʻziga xos jihatlari va kriminologik tavsifi .....	67
<b>Toʻrayev I.E., Esanov. D.I.</b> Jinoyat ishlari yuzasidan bank sirini olishda elektron sanksiya berish tizimini joriy etishning dolzarbligi .....	71
<b>Aliyev M.A.</b> Raqamli viktimologiya: kibermakonda jabrlanuvchilar xulq-atvorining ilmiy-nazariy tahlili .....	80
<b>Bahodirov Oʻ.B.</b> Oʻzlashtirish yoki rastrata yoʻli bilan talon-toroj qilish jinoyati va uni tergov qilish metodikasi .....	86
<b>Mirzaxodjeyev D.A.</b> Giyohvandlik vositalari, ularning analoglari yoki psixotrop moddalarni oʻtkazish maqsadini koʻzlab qonunga xilof ravishda tayyorlash, olish, saqlash tushunchasining huquqiy tahlili .....	92
<b>Максудов X.X.</b> Криминологические особенности прокурорского надзора в предупреждении незаконного оборота наркотических средств .....	97
<b>Hoʻjamatova H.</b> Bolalarni zoʻravonlikdan himoya qilishda oilaning oʻmi va ahamiyati .....	104
<b>Джуробаев P.T.</b> Криминологическая детерминация тактики задержания лиц, находящихся в розыске за совершенное преступление.....	111
<b>Abdugapparov A.A.</b> Voyaga yetmaganlarning huquqiy tarbiyasida huquqni muhofaza qilish amaliyotining roli .....	117
<b>Salimov Sh.Sh.</b> Jinoyatchilikni oldini olishda mahalla “yettiligi”ning ahamiyati .....	127
<b>Nimatov Sh.N.</b> Voyaga yetmaganlar tomonidan sodir etiladigan oʻgʻirlik jinoyatlari profilaktikasi: huquqiy va tashkiliy jihatlar .....	133
<b>Xamidov A.A.</b> Jinoiy faoliyatdan olingan daromadlarni legallashtirishning huquqiy tavsifi va oʻziga xos xususiyatlari .....	142
<b>Ibragimov Sh.A.</b> Profilaktika inspektorining maʼmuriy nazorat faoliyati .....	154

## ЖИНОЙ ФАОЛИЯТДАН ОЛИНГАН ДАРОМАДЛАРНИ ЛЕГАЛЛАШТИРИШНИНГ ХУҚУҚИЙ ТАВСИФИ ВА ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

*Хамидов Асилбек Алишер ўғли*

*Криминология тадқиқот институти илмий ходим-тадқиқотчиси*

**Аннотация.** Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасида жиноий фаолият натижасида олинган даромадларни легаллаштириш (пул ювиш)га қарши курашишнинг ҳуқуқий ва институционал механизмлари тизимли таҳлил қилинган. Жиноий даромадларни легаллаштиришнинг концептуал моҳияти, унинг иқтисодий-молиявий тизим барқарорлигига салбий таъсири, шунингдек, ушбу жиноят турларининг трансмиллий хусусиятлари илмий асосда кўриб чиқилган. Тадқиқот натижасида мавжуд механизмларнинг самарадорлиги баҳоланиб, такомиллаштириш йўналишлари таклиф этилган.

**Калит сўзлар:** жиноий даромадларни легаллаштириш, пул ювиш, молиявий мониторинг, трансмиллий жиноятчилик, молиявий тизим хавфсизлиги, комплаенс-назорат, кибермолиявий операциялар, криптовалюта транзакциялари, иқтисодий хавфсизлик, ҳуқуқий механизмлар.

**Аннотация.** В данной статье проводится системный анализ правовых и институциональных механизмов противодействия легализации (отмыванию) доходов, полученных в результате преступной деятельности, в Республике Узбекистан. Концептуальная сущность легализации преступных доходов, ее негативное влияние на стабильность экономической и финансовой системы, а также транснациональные особенности этих видов преступлений рассматриваются на научной основе. В результате исследования оценивается эффективность существующих механизмов и предлагаются направления их совершенствования.

**Ключевые слова:** легализация преступных доходов, отмывание денег, финансовый мониторинг, транснациональная преступность, безопасность финансовой системы, комплаенс-контроль, киберфинансовые операции, транзакции с криптовалютой, экономическая безопасность, правовые механизмы.

**Abstract.** This article provides a systematic analysis of the legal and institutional mechanisms for combating money laundering in the Republic of Uzbekistan. The conceptual essence of the legalization of criminal proceeds, its negative impact on the stability of the economic and financial system, as well as the transnational features of these types of crimes are considered on a scientific basis. Based on the research results, the

effectiveness of existing mechanisms is assessed, and directions for improvement are proposed.

**Key words:** legalization of criminal proceeds, money laundering, financial monitoring, transnational crime, financial system security, compliance control, cyber financial operations, cryptocurrency transactions, economic security, legal mechanisms.

Глобаллашув шароитида трансмиллий жиноятчиликнинг кенгайиши, молиявий операцияларнинг рақамлашуви ва халқаро капитал ҳаракатининг эркинлашиши жиноий йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш (пул ювиш) хавфини кучайтирмоқда. Жиноий даромадларни легаллаштириш нафақат иқтисодий барқарорликка, балки давлат хавфсизлиги, молия тизими барқарорлиги ва жамоат тартибига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шу сабабли мазкур турдаги жиноятларга қарши самарали курашиш давлат сиёсатида муҳим устувор йўналишлардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикасида сўнгги йилларда жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш соҳасида қатор институционал ва ҳуқуқий ислохотлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, молиявий технологияларнинг ривожланиши, халқаро иқтисодий алоқаларнинг кенгайиши ва янги молиявий инструментларнинг пайдо бўлиши ушбу соҳадаги механизмларни доимий равишда такомиллаштириб боришни талаб этмоқда.

Жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашишнинг мавжуд ёндашувлари, усуллари ва механизмларини ўрганиш ва таҳлил қилиш назарий фан учун ҳам, давлат органлари, молия ташкилотлари ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилмаларнинг амалий фаолияти учун ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Хорижий мамлакатлар олимларидан К.Ловери (Clay Lowery), В.Рамачандран (Vijaya Ramachandran), Л.Д. Кокер (Louis De Koker), А. Гелб (Alan Gelb), П. Реутер (Peter Reuter), М. Леви (Michael Levi), Ч.Л. Нгуйен (Chat Le Nguyen), Н. Боистер (Neil Boister) ва Ж. Шарман (Jason Sherman)лар томонидан ноқонуний даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш механизмларини такомиллаштириш мавзусига доир илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Хусусан, К. Ловери (Rock Creek Advisors LLC. АҚШда жойлашган хусусий консалтинг компанияси бўлиб, молия, сармоялар ва иқтисодий сиёсат бўйича маслаҳат хизматларини кўрсатади.) ноқонуний даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш борасида тизимли таҳлил ўтказиш ва ноқонуний даромадларни легаллаштиришга қарши курашишда олиб бориладиган давлат сиёсатининг оқибатларини баҳолаш ишларини ўрганган. Шу билан бирга у ўз ишларида олиб бориладиган таҳлилий ишларда глобал ва миллий миқёсдаги ноҳуш оқибатларни аниқлаш ва бартараф этиш муҳим эканлигини таъкидлаган .

В.Рамачандран (Center for Global Development (CGD) Вашингтон, АҚШ ва Лондон, Буюк Британияда жойлашган мустақил, нотижорат тадқиқот маркази бўлиб, дунёнинг энг муҳим глобал муаммоларини тадқиқ қилади ва камбағалликни қисқартириш, адолатли иқтисодий ўсишни таъминлаш бўйича сиёсат таклифлари ишлаб чиқади) жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашишда миллий ва халқаро даражадаги таҳлилчи кучайтириш лозимлигига катта эътибор қаратиб, кичик ва ўрта бизнеслар, ҳамда нотижорат ташкилотлари учун қулайроқ қоидаларни яратиш масалаларини ўрганган .

МДХ доирасида Р.С. Орловский, Е.И. Шаманина, К.В. Мигина, В.А. Зубков, Р.А. Лавроненко ва А.А. Аксентьевлар каби тадқиқотчиларнинг ноқонуний даромадларга қонуний тус берилишига қарши курашиш борасидаги илмий ишлари ўрганиб чиқилди.

Жумладан, Р.С. Орловский ўз ишларида ҳуқуқ-тартибот органлари самарадорлиги борасида махсус полиция бўлимлари сонининг камайиши ва давлат идоралари ўртасидаги ҳамкорликнинг пастлигини танқид қилиб, бу ҳолат пул ювишга қарши самарали курашни қийинлаштиришини маълум қилиб, ноқонуний даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш борасида — жиноятни фож қилиш учун давлатлар ўртасида ахборот алмашинувини яхшилаш лозимлиги, қонунларни халқаро стандартларга, жумладан, ФАТФ тавсияларига мослаштириш кераклиги ва янги молиявий технологиялар ва усуллардан фойдаланган ҳолда амалга оширилаётган ноқонуний операцияларни аниқлаш ва уларга қарши чоралар кўриш тўғрисида ўз таклифларини баён этган

Е.И. Шаманина ўзининг диссертация ишида, ноқонуний даромадларни легаллаштиришга қарши курашишда банк назоратининг ролига ўз эътиборини қаратиб, банк назоратининг асосий вазифаларидан бири – ноқонуний даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашни таъминлаш, молиявий тизимнинг барқарорлигини таъминлаш, деб кўрсатиб ўтган .

Маҳаллий тадқиқотчилардан С.Р. Насруллаев, Р.Б. Даминов, Ж.А. Каттакулов ва Р.Х. Рахимов жиноий йўл билан топилган даромадларга қонуний тус беришга қарши курашиш ва уни такомиллаштиришга оид илмий тадқиқотлар олиб борганлар.

Хусусан, С.Р. Насруллаев ўз тадқиқотларида жиноий-ҳуқуқий, халқаро стандартлар ва Ўзбекистон қонунчилигига оид жиҳатларини таҳлил қилиб, жиноий даромадларни легаллаштиришни моддий қийматга эга бўлган мол-мулк ёки маблағлар жиноий фаолият натижасида топилган ҳолда уларга қонуний тус бериш жараёни деб таърифлаган, халқаро стандартлар, хусусан, Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича молиявий чоралар ишлаб чиқувчи гуруҳ (ФАТФ) тавсиялари ва БМТ

конвенцияларининг ноқонуний даромадларни легаллаштиришга қарши курашдаги аҳамиятли даражасини ўрганган. Шунингдек, Ўзбекистондаги жиноий даромадларни легаллаштиришга оид қонунчиликда айрим камчиликлар хусусан, 243-моддани амалга оширишдаги мураккабликларни ва мавжуд қонунларнинг самарадорлигини ошириш бўйича изланишлар олиб бориб, Тергов ва молиявий назоратни амалга оширишда молиявий терговларнинг самарали йўлга қўйилишини таклиф қилиб, шубҳали операцияларни тез аниқлаш ва уларга қарши чора кўриш мумкинлигини баён қилган. Шунингдек, Жиноий легаллашувни коррупция билан чамбарчас боғлиқ эканини таъкидлаб ва коррупцияга қарши қатъий чоралар кўришни тавсия қилган .

Р.Б. Даминов ноқонуний даромадларни легаллаштириш жиноятларини квалификация қилишдаги мураккабликларга эътибор қаратиб, ҳуқуқий ҳужжатлар ва амалиётдаги камчиликларни бартараф этиш учун махсус молиявий разведка хизматларининг фаолиятини кучайтириш зарурлигини таъкидлаган.

Тадқиқотчилар томонидан ноқонуний даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш соҳасига оид ўрганилган илмий ишлар, мазкур соҳада содир этилаётган жиноятларни аниқлаш ва уни бартараф этиш борасидаги ишларнинг самарадорлигини, хорижий ташкилотлар ва давлатлар тажрибасини қўллаш имкониятларни, шу билан бир бирга, маҳаллий тадқиқотчилар томонидан етарли даражада ўрганилмаган жиҳатларни тизимли таҳлил қилишга бўлган зарурат мавжуд эканлигини кўрсатмоқда.

Тадқиқот давомида жиноий даромадларни легаллаштириш механизмлари, усуллари ва унга қарши қаратилган мавжуд ташкилий-ҳуқуқий тизим ва унинг ўзига хос хусусиятлари ўрганилди. Мавжуд тизим самарадорлиги тадқиқ қилинди. Таҳлиллар давомида илмий билишнинг тизимли, қиёсий ва статистик таҳлил каби услубларидан фойдаланилди.

**Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш тушунчаси.** Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ижтимоий хавfli қилмиш сифатида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси билан эътироф этилган жиноят бўлиб, расмий таъриф айнан ушбу кодексида берилган.

Жумладан, Жиноят кодексининг 243-моддаси “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш” деб номланиб, диспозицияга кўра “*мулк (пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк) жиноий фаолият натижасида топилган бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, худди шунингдек бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгаллик*

ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашиллигини яшириш ёхуд сир сақлаш” каби ҳаракатларни ифодалайди. Чунончи, мазкур нормада келтирилган ҳаракатлардан лоақал биттаси содир этилганлиги ҳам жиноят таркибини ташкил этади ва жавобгарликни келтириб чиқаради.

Шу билан бирга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш – бу жиноят йўли билан топилган маблағлар ёки мол-мулкни қонуний манбадан олинганидек кўрсатиш мақсадида амалга ошириладиган молиявий операциялар мажмуи бўлиб, Ўзбек тилининг изоҳли луғатига кўра, “легал, ошкор ҳолга ўтказиш, қонуний тусга киритиш” – деб таърифланади.

Ўз навбатида, мазкур атамага халқаро ҳуқуқда ҳам ўзига хос тарзда тушунтириш берилган. Хусусан, халқаро молиявий назорат ташкилоти – FATF (Financial Action Task Force) талқинига кўра, “қонунга хилоф келиб чиқишини яшириш учун жиноий даромадларни қайта ишлаш”; “The Joint Money Laundering Steering” ташкилоти талқинида эса “*жиноятчиларнинг жиноий даромадларининг асл келиб чиқиши ва эгаллигини яшириш ва ниқоблашига қаратилган фаолиятдир*” деб таъриф берилган. Мазкур таърифлар турлича бўлса-да, уларнинг деярли барчаси битта маънони англатади, яъни жиноий йўли билан топилган даромадларга қонуний тус беришни ифодалайди.

**Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш механизмлари.** Одатда, мазкур жиноятлар иккиламчи жиноятлар сифатида содир этилади, яъни у бошқа бир жиноят натижасида қўлга киритилган ноқонуний даромадларни реализация қилиш орқали содир этилади. Чунки, легаллаштирилаётган пул маблағлари жиноий йўллар билан қўлга киритилади. Шу сабабли уларни қонунийлаштиришга эҳтиёж пайдо бўлади.

Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш уч босқичда:

*жойлаштириш* – жиноий маблағларни молия тизимига киритиш;

*қатламлаш* – маблағларнинг келиб чиқиш манбасини яшириш мақсадида кўплаб молиявий операциялар орқали айлантириш;

*интеграция* – маблағларни қонуний иқтисодий фаолиятга киритиш орқали амалга оширилади ҳамда кўпинча наркотрафик, одам савдоси, коррупция, фирибгарлик, контрабанда ва бошқа уюшган жиноятчилик турлари билан боғлиқ бўлади.

Бундай ҳолатда легаллаштириш одатда – *2,3,4 фазали, 4 секторли ва айланма* кўринишда амалга оширилади.

Чунончи, *икки фазали пул ювиш* – пул ювиш, яъни тезкор ва қисқа муддатли молиявий операциялар ҳамда депозитлар очиш, банк кредити, инвестицияга айлантириш, кўчмас мулк ёки активлар сотиб олиш орқали иқтисодиётга қайта киритишни ўз ичига олса, *уч фазали пул ювиш* – *жойлаштириш* (маблағлар

молиявий тизимга киритилади, жиноят содир этилган жойда узоклаштирилади), *қатламлаш* (турли молиявий операциялар орқали бир неча марта ўтказиш, айлантириш, айрибошлашдан ўтказилади) ва *интеграция* (ювилган маблағлар иқтисодиётга қайта киритилади) босқичларидан иборат бўлади.

*Тўрт фазали пул ювиш* эса нақд пулдан халос бўлиш ва воситачилар орқали уларни ўтказиш, турли молиявий ҳужжатларга айлантириш, жиноий маблағларнинг манбасини яшириш ва қонуний иқтисодиётга киритиш, *тўрт секторли пул ювиш эса* – даромадлар мамлакат ичида аввалдан тайёрланган схемалар орқали қонуний кўринишга келтириш, пул маблағларини бир нечта давлат банклари орқали айлантириш, маблағларни турли ҳисоблар ва молиявий манбалар орқали трансформация қилиб, уларнинг ноқонуний эканлиги бўйича изларни йўқ қилиш, ноқонуний маблағлар тўлиқ қонунийлаштиришда ифодаланади.

***Ўзбекистоннинг жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш тизими.*** Ноқонуний йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши миллий тизимда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳам муҳим ўрин тутаяди. Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти пул ювиш ҳолатларини аниқлаш ва тергов қилишда марказий ўринни эгалласа, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ва ҳудудий прокуратура органлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси ва “Прокуратура тўғрисида”ги қонунига мувофиқ мазкур соҳада қонун устуворлигини назорат қилувчи идора сифатида суриштирув ва дастлабки тергов устидан назоратни амалга оширади.

Айни пайтда, прокуратура тизими таркибидаги департамент ходимлари нафақат молиявий маълумотларни таҳлил қилади, балки жиноий даромадларни легаллаштириш билан боғлиқ жиноят ишларини бевосита тергов қилиш ваколатига ҳам эга экани юқорида қайд этилди. Шу тариқа, прокуратура ҳузуридаги ИЖҚК департаменти пул ювиш жиноятларини тергов қилишда ихтисослашган ҳуқуқни муҳофаза қилувчи тузилма сифатида иш юритади.

Ўзбекистон Республикаси ички ишлар органлари ҳам пул ювишга қарши курашишда ўз ваколатлари доирасида фаол иштирок этади. Ўзбекистон Республикасининг “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонунига биноан, улар жиноятларни тергов қилиш ва профилактика қилиш вазифаларини бажаради.

Ноқонуний йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш жинояти одатда бошқа асосий жиноят (предикат жиноят) ортидан содир этиладиган ҳуқуқбузарлик бўлгани сабабли, ички ишлар органлари аввал бошланғич (ноқонуний даромадни келтириб чиқарувчи) жиноятни фош этиш, сўнгра ундан олинган даромадларни излаш ва мусодара қилишга қаратилган тадбирларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексидаги ички ишлар органларининг ваколатлари доирасига кирувчи тегишли моддалар бўйича олиб бориладиган тергов жараёнида молиявий разведка органидан зарур маълумотларни сўраб олиш ҳуқуқига эга. Масалан, айрим шубҳали банк операциялари ёки ҳисобварақлар тўғрисида маълумот олиш учун ИЖҚК департаментига сўров билан мурожаат қилиши мумкин. Бунда Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ўз базаларидаги ахборотни тақдим этиб, терговга кўмаклашади, бу эса идоралараро ҳамкорликнинг амалий намунасидир.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати (ДХХ) ҳам терроризмни молиялаштиришга қарши курашишда муҳим роль ўйнайди. Терроризм ва экстремизмга қарши курашиш доирасида, ДХХ ўз ваколатлари билан террорчилик фаолиятни молиялаштириш манбаларини аниқлаш ва бартараф этиш бўйича махсус операцияларни олиб боради. Маълумки, терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш ҳам пул ювишга қарши курашиш фаолиятининг бир қисми сифатида қаралади. Шу сабабли, ДХХ ва Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ўртасидаги алоқа терроризмга қарши курашиш самарадорлигини оширади. Масалан, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 1267-рақамли санкция рўйхатлари ёки бошқа халқаро террорчи ташкилотларга алоқадор шахсларнинг маблағларини тезкор музлатиб қўйишда ДХХ ва ИЖҚК департаменти биргаликда иш олиб боради.

Қолаверса, Давлат божхона қўмитаси ва Давлат солиқ қўмитаси каби органлар ҳам ўз йўналишида ноқонуний даромадларни легаллаштиришга қарши курашишга ҳисса қўшади. Чегара орқали қимматбаҳо бўлган моддий бойликларни ноқонуний олиб ўтиш ҳолатларини аниқлаш, яширин даромадларни солиқ текширувлари орқали фош этиш шулар жумласидандир.

Шу билан бирга, Ўзбекистонда бу йўналишда молиявий разведка фаолиятини амалга ошируви орган ҳам ташкил этилган. Мазкур орган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги “*Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида*”ги қарорига мувофиқ тузилган Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаментининг ***Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашиш бошқармасидир.*** Шунга кўра, айти пайтда бошқарма жиноий даромадларни легаллаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши курашувчи *махсус ваколатли давлат органи* ҳисобланади.

Молиявий разведка бошқармасига эга бўлган Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган туркумига кириб, фақат ахборот-таҳлил функциясини бажарибгина қолмай, балки терговга қадар текширув, суриштирув ва дастлабки терговни олиб бориш ваколатларини ҳам амалга ошириш ҳуқуқига эга.

Бошқа сўз билан айтганда, Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти шубҳали молиявий операцияларни таҳлил қилибгина қолмай, балки зарур ҳолларда иқтисодий ва коррупциявий ҳолатлар юзасидан тезкор-қидирув тадбирларини ўтказиш, жиноят иши қўзғатиш ва тергов олиб бориш ҳуқуқига ҳам эга.

***Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятига имкон берувчи сабаб ва омиллар.*** Мазкур жиноятлар бир қанча сабаб ва омиллар таъсирида вужудга келади ва ривожланади. Ушбу сабаб ва омилларнинг барчаси жиноятчилик билан бевосита боғлиқ бўлиб, қуйидагиларда кўзга ташланади:

Уюшган жиноятчиликнинг кучайиши жиноий даромадларни легаллаштиришнинг асосий сабабларидан бири бўлиб, наркотик савдоси, одам савдоси, қурол савдоси ва бошқа жиноятлар натижасида катта молиявий маблағлар пайдо бўлади. Бу маблағларни қонуний иқтисодий тизимга киритиш учун жиноятчилар турли молиявий схемалардан фойдаланадилар.

Шунингдек, коррупция жиноий даромадларни легаллаштириш учун қулай муҳит яратади. Мансабдор шахслар томонидан пора олиш, бюджет маблағларини талон-торож қилиш ёки давлат мулкани ноқонуний ўзлаштириш натижасида олинган маблағлар кўп ҳолларда молиявий операциялар орқали яширилади.

Қолаверса, молиявий назорат тизимининг етарли даражада ривожланмаганлиги ҳамда айрим ҳолларда банк тизими ва молиявий институтларда назорат механизмларининг етарли даражада самарали ишламаслиги жиноий маблағларни легаллаштиришга шароит яратиши мумкин.

Шу ўринда, рақамли иқтисодиёт ва молиявий технологиялар ҳам ўз таъсирини кўрсатади. Яъни, сўнгги йилларда электрон тўлов тизимлари, онлайн банк хизматлари ва криптовалюталарнинг кенгайиши жиноий маблағларни яшириш имкониятларини ҳам оширди. Бундай операцияларни аниқлаш баъзан мураккаб бўлиб, халқаро ҳамкорликни талаб қилади.

Шу билан бирга, глобаллашув жараёнида капитал ҳаракатининг эркинлиги жиноятчиларга маблағларни бир давлатдан бошқасига тез ўтказиш имкониятини беради. Бу эса жиноий даромадларни легаллаштиришни янада осонлаштиради.

***Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришнинг салбий оқибатлари ва иқтисодий зарари.*** БМТ маълумотларига кўра, жаҳон ЯИМнинг 2-5 фоизи, яъни тахминан йилига 800 миллиарддан 2-3 триллион АҚШ долларига

тенг бўлган жиноий пул маблағлари легаллаштириш жараёнидан ўтади. Ҳар бир мамлакатда бу хавф миқёси турлича бўлса-да, глобал даражада жуда катта иқтисодий зарар келтирувчи ҳолат ҳисобланади.

Мазкур ҳолат бўйича глобал баҳолаш натижаларига кўра, ҳар йили жиноятчилик, коррупция ва солиқдан қочиш орқали хорижга ноқонуний чиқиб кетадиган маблағлар тахминан 1-1,6 триллион АҚШ долларини ташкил этади, шундан 20-40 миллиард АҚШ dollari ривожланаётган мамлакатлар улушига тўғри келади.

Бу йўналишда олиб борилган таҳлилларга кўра, Ўзбекистондан 2022–2024 йиллар давомида чет элга турли схемалар орқали жами 42,6 млрд АҚШ dollari миқдоридаги пул маблағлари чиқиб кетганлиги аниқланган. *(Маълумот учун: Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2024 йил бўйича берган якуний ҳисоботиغا кўра, давлатнинг ташқи қарзи 40,2 млрд АҚШ долларини ташкил қилади).*

Мазкур статистик маълумотлар ушбу жиноятларнинг мамлакат иқтисодиётига нақадар салбий таъсир кўрсатишидан далолат беради. Қолаверса, мазкур жиноятлар қуйидаги салбий оқибатларга ҳам сабаб бўлиши мумкин:

*биринчидан*, иқтисодий барқарорликка таҳдид қилади. Жиноий маблағларнинг иқтисодиётга кириб келиши бозор механизмларини бузади. Натижада соғлом рақобат муҳити издан чиқиши мумкин.

*иккинчидан*, давлат бюджетига зарар етказиши мумкин. Жиноий маблағлар кўп ҳолларда солиқдан қочиш билан боғлиқ бўлади. Бу эса давлат бюджетига тушумларни камайтиради ва ижтимоий дастурларни молиялаштиришга салбий таъсир кўрсатади.

*учинчидан*, коррупцияни кучайтиради. Жиноий даромадларни легаллаштириш кўпинча мансабдор шахслар иштирокида амалга оширилади. Бу эса давлат бошқарувида шаффофликнинг пасайишига ва коррупциянинг кучайишига олиб келади.

*тўртинчидан*, хавфсизликни сусайтиради. Жиноий маблағлар терроризм ва экстремистик ташкилотларни молиялаштириш учун ишлатилиши мумкин. Шу сабабли жиноий даромадларни легаллаштириш давлат хавфсизлигига ҳам хавф туғдиради.

*бешинчидан*, жамиятдаги ижтимоий адолатни бузади. Жиноий йўл билан бойлик орттириш ҳолатлари кўпайиши жамиятда адолатсизлик ҳиссини кучайтиради. Бу эса аҳолининг давлат институтларига бўлган ишончига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

***Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишнинг устувор йўналишлари.*** Ўзбекистон Республикасида бу турдаги

жиноятларга қарши курашиш мақсадида бир қанча самарали ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлар амалга оширилган бўлса-да, халқаро рейтинг ташкилотлари томонидан Ўзбекистоннинг ноқонуний йўл билан топилган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш фаолиятини ўртача даражада деб баҳолайдилар.

Хусусан, халқаро даражадаги “Basel AML Index”нинг 2023 йилги нашрида Ўзбекистон **5,27 балл тўплаган** бўлиб, глобал ўртача қийматга яқин натижа қайд этган (*жаҳон бўйича ўртача 5,3 балл*). Мазкур индексга мувофиқ, Марказий Осиёда Ўзбекистоннинг хавф даражаси Тожикистон ва Қирғиз Республикаларига нисбатан пастроқ бўлса-да, Қозоғистонга нисбатан баландроқдир.

Шунингдек, АҚШ Ташқи ишлар вазирлигининг халқаро наркотик назорати бўйича ҳисоботларида Ўзбекистон “*ноқонуний йўл билан топилган даромадларни легаллаштириш хавфи юқори давлатлар*” рўйхатига киритилган. Бу эса ушбу йўналишдаги ислоҳотларни жадал суратларда давом эттиришни тақозо этади. Жумладан:

бир неча йиллардан буён муҳокамаларга сабаб бўлиб келаётган давлат органлари ва ташкилотларининг мансабдор шахслари, хизматчилари, уларнинг оила аъзолари ва яқин қариндошлари учун “даромадлар декларацияси”ни тезроқ жорий этиш орқали, ноқонуний бойлик орттириш ҳолатларининг олдини олиш;

криптовалюта ва рақамли активлар орқали амалга оширилаётган операцияларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солиш ва молиявий институтлар учун мажбурий ички назорат тизимларини кучайтириш;

банклар ва молиявий ташкилотларда шубҳали операцияларни автоматик аниқлайдиган дастурий тизимларни жорий этиш, катта миқдордаги пул ўтказмалари бўйича назоратни кучайтириш, молиявий операциялар ҳақидаги маълумотларни ягона электрон базага жамлаш;

сунъий интеллект ва катта маълумотлар таҳлили (Big Data) технологияларидан фойдаланиш, молиявий операцияларни автоматик таҳлил қиладиган дастурлар жорий этиш, криптовалюта транзакцияларини мониторинг қилиш тизимини яратиш;

жиноий даромадларни легаллаштириш кўп ҳолларда трансмиллий хусусиятга эга бўлганлиги боис, давлатлар ўртасидаги ҳамкорликни янада ривожлантириш: халқаро ташкилотлар билан ахборот алмашинувини кучайтириш, трансмиллий жиноятларни биргаликда тергов қилиш, молиявий разведка органлари ўртасида ҳамкорликни ривожлантириш бундай жиноятларнинг олдини олишда муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтганда, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш давлат иқтисодий хавфсизлигини таъминлашнинг муҳим таркибий

қисми ҳисобланади. Ўзбекистон Республикасида мазкур соҳада амалга оширилаётган ислохотлар ижобий натижалар бермоқда. Бироқ молиявий технологиялар ривож ва трансмиллий жиноятчиликнинг кенгайиши шароитида ушбу йўналишдаги механизмларни мунтазам равишда такомиллаштириб бориш зарур.

Молиявий мониторинг тизимини рақамлаштириш, халқаро ҳамкорликни кучайтириш, комплаенс-назоратни ривожлантириш ҳамда аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш орқали жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш самарадорлигини янада ошириш мумкин.

### **Фойдаланилган адабиётлар**

1. Clay Lowery., Vijaya Ramachandran. Unintended Consequences of Anti-Money Laundering Policies for Poor Countries: A CGD Working Group Report. (Center for Global Development 2015.) 282.

2. Louis de Koker, “Money Laundering Control and Suppression of Financing of Terrorism: Some Thoughts on the Impact of Customer Due Diligence Measures on Financial Exclusion” (2006) 13(1) Journal of Financial Crime 26 at 378.

3. Michael Levi and Peter Reuter, “Money Laundering” (2006) 34(1) Crime and Justice 289 at 536.

4. Peter Reuter and Edwin M. Truman, Chasing Dirty Money: The Fight against Money Laundering (Peterson Institute, 2004) at 234.

5. Насруллаев С.Д. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш бўйича халқаро стандартлар ва уларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш масалалари: Маг. дисс. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси, 2020. – 123 б.

6. Даминов Р.Б. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш жиноятини квалификация қилишнинг ўзига хос жиҳатлари: Маг. дисс. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси, 2022. – 102 б.

7. Каттакулов Ж.А. “Янги Ўзбекистонда молия институтларини трансформация қилиш: муаммолар ва ечимлар” мавзусида республика илмий-амалий конференция тезислари тўплами. – Т.: Молия, 2022. – 138-б.

8. Рахимов Р.Х. Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш ҳолатлари бўйича молиявий тергов ўтказишни такомиллаштириш масалалари: Маг. дисс. – Т.: Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси, 2022. – 127 б.

9. Eurasiangroup.org. (n.d.). Republic of Uzbekistan. [online] Available at: <https://eurasiangroup.org/en/respublika-uzbekistan>.

10. Fineksus (2024). Anti Money Laundering in Uzbekistan. [online] Fineksus. Available at: <https://fineksus.com/anti-money-laundering-inuzbekistan/>

11. United Nations : UNODC Regional Office for. (2022). UNODC Brings Expertise on Anti-Money Laundering to Uzbekistan. [online] Available at: <https://www.unodc.org/roca/en/news/unodc-brings-expertise-on-anti-moneylaundering-to-uzbekistan.html>